

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги

ва

Тошкент шаҳар “ШАРОИТ ПЛЮС” ногиронлар жамоат бирлашмаси ўртасидаги

ўзаро ҳамкорлик меморандуми

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (қуйида “Вазирлик” деб юритилади) бир томондан ва Тошкент шаҳар “ШАРОИТ ПЛЮС” ногиронлар жамоат бирлашмаси (қуйида “Бирлашма” деб юритилади) иккинчи томондан, қуйида “Томонлар” деб юритилади, ЮНИСЕФ, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан БМТнинг Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояни яхшилаш бўйича Қўшма Дастурининг грант кўмаги асосида амалга оширилаётган Тошкент шаҳар ҳудудида “Махсус рекрутнинг веб-портали орқали ногиронлиги бўлган шахсларни очик меҳнат бозорида муносиб иш билан таъминлаш” лойиҳаси доирасида ўзаро ижтимоий шерикчилик муносабатларини ўрнатиш истагида, мазкур Меморандумни имзоладилар.

1- модда. Меморандум мақсади

Ушбу Меморандум ногиронлиги бўлган шахсларни Тошкент шаҳридаги очик меҳнат бозорида муносиб иш ўринлари билан таъминлаш ва уларнинг бандлигига ҳар томонлама кўмаклашиш борасидаги Томонларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида тузилди.

2-модда. Томонларнинг ҳамкорликдаги фаолият йўналишлари

2.1. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

- Қонун ҳужжатларида ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш учун уч фоизли захираланган (квота) иш ўринларининг энг кам сони тўғрисидаги маълумотларни махсус рекрутнинг веб-портали www.ishplus.uz орқали хусусий ва давлат ташкилотлари томонидан ёритиб борилишида кўмаклашади;
- Ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилишда берилган имтиёз ва преференциялар тўғрисида, улар учун ажратилган уч фоизли квота шунингдек, меҳнат бозорида ногиронлик белгиси бўйича камситишга йўл қўймаслик ва улар учун тенг шароитлар яратиш ҳамда санаб ўтилганларни бажармаганлиги учун қонуний жавобгарлик муқаррарлиги ҳақида иш берувчилар ва ногиронлиги бўлган иш изловчилар учун ўқув-амалий қўлланмаларни ишлаб чиқади (ўзбек ва рус тилларида) ва тарқатади;
- Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини, улар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган меҳнат имтиёзлари ва преференциялар ҳақида кенг жамоатчилик хабардорлигини ошириш ва тушунтириш ишларини Бирлашма билан ҳамкорликда амалга оширади;

- Инклюзив меҳнат масалалари бўйича ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Бирлашма ҳамда маҳаллий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда турли ҳил семинар, тренинглар, конференциялар, бўш (вакант) иш ўринлари ярмаркалари ва бошқа оммавий тадбирларни ташкил этади;
- Ҳамкорлик жараёни ва унинг натижаларини Бирлашма билан ҳамкорликда мониторинг қилади ва баҳолайди.

2.2. Тошкент шаҳар “ШАРОИТ ПЛЮС” ногиронлар жамоат бирлашмаси:

- Меморандум мақсадларига эришиш учун иш топишда қийинчиликларга дуч келаётган ногиронлиги бўлган шахсларни аниқлашда Вазирликка кўмаклашиш ва улар тўғрисида доимий ахборот билан алмашади;
- Инклюзив меҳнат масалалари бўйича Вазирлик ва бошқа давлат органлари билан тажриба алмашади;
- Ногиронлиги бўлган шахсларнинг очик меҳнат бозорида муносиб иш топиш жараёнларида махсус рекрутинг веб-портали www.ishplus.uz орқали бевосита кўмаклашади ва бўш (вакант) иш ўринлари, амалиётлар ва ўқув курслари ҳақида тўлиқ маълумотлар базасини шакллантиради;
- Ўзбекистон Республикаси “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуни асосида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат манфаатлари ва ҳуқуқларини амалга оширилиши бўйича Вазирлик ва бошқа давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда жамоатчилик назоратини ўрнатади;
- Ҳамкорлик жараёни ва унинг натижаларини Вазирлик билан ҳамкорликда мониторинг қилади ва баҳолайди.

3-модда. Меморандумнинг муддати

3.1. Мазкур Меморандум Томонлар томонидан имзоланган муддатдан бошлаб кучга киради ва 2021 йил 31 декабргача ўз кучини сақлайди.

3.2. Мазкур Меморандумга ҳар қандай ўзгаришлар ва таҳрирлар Томонларнинг ёзма розилиги асосида киритилади.



Умурзаков Б.Х.
Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва
меҳнат муносабатлари вазири ўринбосари



Рахимова М.А.
Тошкент шаҳар “ШАРОИТ ПЛЮС”
ногиронлар жамоат бирлашмаси раиси